



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
7 июль
ШАНБА
№ 53
(12.481)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига энг кам: иш ҳақи – ойига 72 355 сўм; ёшга доир пенсиялар – ойига 141 520 сўм;

болалиқдан ногиронларга бериладиган нафақа – ойига 141 520 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 86 835 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалиқ оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган

ташкilot ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Ҳўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобида иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 ноябрдаги ПФ-4377-сонли Фармони (6 ва 7-бандлари истисно қилинган ҳолда) 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 5 июль.

Қибрай туманидаги Чинобод қишлоғида
«Энг намунали диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» кўриктанловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

«Дўстлик» – БИРИНЧИ

Унда жами 12 нафар маслаҳатчи иштирок этди. Улар белгиланган шартларни мохирлик билан бажариб, голиблик учун курашдилар.

Яқини натижаларга кўра, 1-ўрин «Дўстлик» маҳалласи маслаҳатчиси Жаннагул Исоқулловага, 2-ўрин эса «Шодлик» маҳалла маслаҳатчиси Муножат Усмоновага насиб этди.

«Оқ олтин» маҳалласи маслаҳатчиси Азиза Жабова 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Гулида ИНОМОВА.

ГАЛЛА - 2012



ЯНА БЕШ ТУМАН МАРРАГА ЕТДИ



ИЗЛАНГАНГА ИМКОН КЕНГ

Ўрта Чирчиқ туман агросаноат ва транспорт касб-ҳунар коллежида битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда 2 минг 960 нафар битирувчи ҳамда 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзларининг бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

– Мен ўзим хоҳлагандек, тикувчилик соҳасини танладим, – дейди Дилфуза Абдураимова. – Тенгдошларим ҳам ўзлари қизиққан соҳада иш бошлашларига тилакдошман.

– Қизим Гулбахор ёшлигидан каничалликка қизиқарди. Ўзи истаганидек бугун шу соҳани танлади, – деди Муниса Абдуллаева. – Ёшларда берилган бу каби эътибор ва ғамхўрликдан биз ота-оналар беҳад шодимиз.

Моҳира РАСУЛОВА.

Далаларда галла ўрими қизгин давом этапти. Давлатга дон топшириш тобора жадал тус олмақда. Илгори фермер хўжаликлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини ҳам бажаришяпти.

Пискент туманидан кейин қабул пунктларига 12 минг тоннадан зиёд бугдой топширган Зангиота тумани шартнома режасини ортиги билан удалади. Кетма-кет Қибрай, Оққўрғон, Чиноз туманлари ҳам маррага етди. Қибрайлик галлакорлар 10,5, оққўрғонликлар 25,3, чинозликлар 23 минг тонна сара дон топширишди. Юқори Чирчиқ тумани ҳам галла тайёрлаш йиллик режасини бажарди. Қабул пунктларига дон топшириш жадал давом этапти.

СУРАТЛАРДА: (юқорида) Оққўрғон туманидаги «Маҳмудов Аҳмаджон» фермер хўжалиги аъзоси (чапдан) Сирожидин Қодиров, ҳокимлик вакили Жасур Мустафоев ва иш юритувчи Умидажон Маҳмудов; Юқори Чирчиқ туманидаги «Тўйчиев Жасур» фермер хўжалиги раҳбари (чапдан) Маъмуржон Баратов оператор Умидажон Баратов ва сувчи Жасур Тўйчиев билан.

Даврон АХМАД олган суратлар.

ГАЛЛА - 2012



ОМБОР ТЎЛА ДОН

Бу йил вилоятимиз галлакорлари 136 минг гектар майдонда сара ҳосил етиштирдилар. Айни кунда далаларда галла ўрими-йиғими мавсуми қизгин паллага кирди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра, бу йилги мавсумни тез ва сифатли ўтказиш мақсадида 350 га яқин комбайн ва икки мингдан ортиқ техника воситалари жалб қилинган.

– Чиноз тумани деҳқонлари ҳам бу йил 7 минг 262 гектар ерда мўл

ҳосил етиштирдилар, – дейди «Тошкентдон» ОАЖ «Чиноздон» филиали раҳбари Аҳор Убайдуллаев.

– Шу кунгача тумандаги 165 фермер хўжалигидан

СУРАТДА: «Чиноздон» раҳбари ўринбосари Тўлқин Абдувалиев (ўртада) ишчилар билан.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

16 минг тоннадан ортиқ сара дон қабул қилиб олдик.

Шартнома режасига кўра, яна 5 минг тонна галла қабул қиламиз.

Мавсумни ўз вақтида якунлаш мақсадида ишларни режа асосида ташкил этаймиз.

Незмат РУСТАМОВ.

2012 йил учун ОБУНА

давом этмоқда. «Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.

(Давоми 2-бетда).

